

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА  
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**83** «Савдо ташкилотлари томонидан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган айрим турдаги истеъмол товарлари (ун, ўсимлик ёғи ва қанд-шакар)га чекланган савдо устамаларини қўлланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил  
23 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1083-1*

*(2011 йил 5 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 октябрдаги 433-сон «Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарлари билан савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 20-сон, 144-модда) 1-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2001 йил 1 ноябрдаги 120, 9, 2001-112-сон «Савдо ташкилотлари томонидан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган айрим турдаги истеъмол товарлари (ун, ўсимлик ёғи ва қанд-шакар)га чекланган савдо устамаларини қўлланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2001 йил 13 ноябрь,

рўйхат рақами 1083) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 й., 21-сон) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга қиради.

**Молия вазири****Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 21 февраль,  
13-сон

**Монополиядан чиқариш ва  
рақобатни ривожлантириш  
давлат қўмитаси раиси****Ж. ИСМАИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 21 февраль,  
39 и-г-сон

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси****Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 21 февраль,  
2011-8-сон